

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

9-сон
(197)
2006 й.
февраль-
март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўймиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

63. «М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шахридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 февралдаги ПҚ-290-сон қарори
64. «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги ПҚ-294-сон қарори

Учинчи бўлим

65. «Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий давлатлар оммавий ахборот во-ситалари муҳбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги 33-сон қарори

Бешинчи бўлим

66. «Иссиқликдан фойдаланувчи ускуналар ва иссиқлик тармоқларини техник экс-

плюатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Ўздавэнергоназорат» Давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 23 январдаги 15-сон буйруғи.
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 28 февралда 1549-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

67. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 18, 2006-7-сон қарори.
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 2 марта 1110-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2006 йил 25 февралдан 3 марта бўлган маълумот

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

63 М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда иқтидорли ёшларнинг салоҳиятини рӯёбга чиқариш ва улардан самарали фойдаланиш учун шартшароитлар яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашувি маркази ва М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалини (кейинги ўринлардаги матнда «Филиал» деб юритилади) таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

+ М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида қабул қилинган нормаларга ва олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувоғик юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Филиалнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

2. Филиални ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби иловага* мувоғик тасдиқлансан.

3. Белгилансанки:

Филиал Москва давлат университетининг алоҳида таркибий бўлинмаси, барча даражаларда мутахассислар тайёрлайдиган, шу жумладан илмий-педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти хисобланади;

Филиалнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонун хужжатларига мувоғик амалга оширилади;

абитуриентлар қабул қилиш ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети томонидан белгилана-диган талабларга, тартиб ва муддатларга мувоғик амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлар бўйича амалга оширилади;

2006/2007 ўқув йилига бакалавриатга қабул қилиш 80 кишини, шу жумладан, кўйидаги таълим ўйналишлари бўйича: психология — 40 киши, амалий математика ва информатика — 40 кишини ташкил этади, кейинги йилларда — кадрларга бўлган эҳтиёж ва республика минтақаларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболлари хисобга олинган ҳолда белгиланади;

Филиал битирувчиларига М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетини тамомлаганлиги тўғрисида белгиланган намунада бериладиган диплом Ўзбе-

* Илова берилмайди.

кистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида эътироф этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳрида М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиалини ташкил этиш бўйича таъсис хужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсин.

5. Белгилансинки, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетидан жалб этиладиган профессор-ўқитувчи ходимларнинг хизмат сафарларига ҳақ тўлаш Россия Федерациясида олий ўкув юртлари ходимлари учун белгиланган нормалар бўйича амалга оширилади.

6. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети:

ўкув жараёнинга илфор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва олий таълимнинг энг янги ютуқлари жорий этилишига;

Филиал профессор-ўқитувчилари таркиби М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида малака ошириши ва қайта тайёрланишига;

Филиалнинг кутубхона фонди шакллантирилиши ва унинг замонавий ўкув, ўкув-методик ва илмий-оммабоп ҳамда бадиий адабиётлар билан тўлдирилиб боришига кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилансинки, Филиал фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига давлат грантлари шаклида ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида талабаларни (тингловчиларни) ўқитганлик учун тушадиган маблағлар;

хомийларнинг маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобига амалга оширилади.

8. Белгилансинки, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиалининг давлат грантлари асосида ўқиган битирувчилари камидан уч йил республиканинг таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотларида ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2006/2007 ўкув йилидан бошлаб, хар йили, талабалар (тингловчилар)ни давлат грантлари бўйича ўқитиш учун, бирор Филиалда ўқишига қабул қилинадиган талабалар (тингловчилар) умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган қисмига давлат бюджетидан маблағ ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосланган хисоб-китоблари бўйича Филиални зарур ўкув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникиси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун маблағ ажратсин.

10. Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолияти учун олиб келинадиган ускуналар, адабиётлар, мультимедия маҳсулотлари, инвентарлар, моддий-техника ресурслари, истисно тариқасида, 5 йил муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиалнинг буюртманомалари бўйича Филиал томонидан таклиф этиладиган чет эллик ўқитувчилар ва мутахассислар давлат божи тўламасдан вактинча рўйхатдан ўтказилишини ва вактинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

12. Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун таклиф этиладиган чет эллик профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшиши ва транспорт харажатлари учун тўловни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлашга рухсат берилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги 575-ф-сон фармойиши билан ташкил этилган комиссиянинг М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалини Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчасида қурилаётган 22-үйда жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бинолар комплекси қурилишини тугаллаш ва 2006/2007 ўкув йили бошлангуга қадар фойдаланишига топширишни;

мазкур бинолар комплексида М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридан филиали жойлаштирилишини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
ПК-290-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

64 Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ички ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари томонидан назоратнинг сусайиши натижасида йўловчилар ташиш хавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузиш ҳоллари ва одамлар қурбон бўлаётган йўл транспорт ходисалари сони оргтгани қайд этиб ўтилсин.

Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси органлари йўловчилар ташийдиган автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ва носозларини, шунингдек, фойдаланишга яроқсизларини аниқлашда масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида қатнайдиган автотранспорт воситалари йўналишга чиқишдан олдин техник кўрикдан ўтказилмасдан фойдаланилмоқда, ҳайдовчилар эса тиббий кўрикдан ўтмаяптилар. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шаҳар йўловчи транспортини бошқариш бўйича ваколатли органлари томонидан шаҳар йўналишларига лицензия беришнинг белгиланган талабларига риоя қилинмаяпти, йўловчиларни ташувчилар устидан йўналиш назорати қониқарсиз олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида:

1. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйганларни учун Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати (ЙХХДХ) органи раҳбари С. Ирисбеков ва Тошкент вилояти ЙХХДХ органи раҳбари А. Ҳамидуллаев Ички ишлар вазирининг буйруғи билан эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЙХХДХ органлари раҳбарияти томонидан (Г. Болтабоев) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчи транспорти соҳасидаги қоидабузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, йўловчилар ташийдиган транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича юкланган мажбуриятлар ижросига нисбатан масъулиятызиз муносабатда бўлаётгани кўрсатиб ўтилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев ва Тошкент вилояти ҳокими М. Куччиев, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиги А. Абдувалиевга йўловчи транспортини назорат қилиш сусайтирилгани, йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензия беришнинг белгиланган талаблари бажарилмаётгани ҳамда автотранспорт воситаларига зарур ва хавфсиз иш шароитлари таъминланмаётгани катъий кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда автотранспорт воситаларини техник кўридан ўтказиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилишда ЙХХДХ органлари шахсий таркиби масъулиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқсан ва амалга оширсин;

тижорат асосида йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари икки ой муддатда техник кўридан ўтказилишини таъминласин, бунда уларнинг техник ҳолати сифатига ва жиҳозланиши йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормалари, шунингдек уларнинг қайд этиш маълумотларига мос келишига алоҳида эътибор қаратсан.

4. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари зарур шарт-шароитлар яратилишини ҳисобга олган ҳолда йўловчи ташувчилар, жумладан якка тартибдаги тадбиркорларнинг автотранспорт воситалари техник кўридан ўтказиладиган жойларни аниqlасин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари мазкур йўловчи ташувчилар ўртасида транспорт воситаларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сон Фармонини ижро этиш юзасидан:

Тошкент шаҳри бўйича йўловчи ташишга лицензия факат Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан берилишини кўзда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшахартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ-262-сон қарорининг 4-бандида белгиланган тартибга катъий риоя қилишни;

2006 йил 1 майдан бошлаб шаҳар ва шаҳар атрофида автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини амалга оширишга юқори даражада ҳимояланган лицензия бланкалари ва лицензия карточкаларининг янги намунасини жорий этишини таъминласин.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш ҳуқукини берувчи аввалги лицензиялар 2006 йил 1 майдан бошлаб ўз кучини йўқотиши, айни вактда уларни янги бланкаларга қайта расмийлаштириш хак ундирилмасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда икки ой муддатда минтақаларда йўловчи ташишни лицензиялаш ва мувофиқлаштириш бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари хузуридаги тузилмалар фаолиятини Тошкент шаҳрида яратилган намуна асосида ташкил этиш тўғрисида таклифлар, шунингдек, Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида ги низом лойиҳасини киритсин.

7. Белгилансинки, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишда айбордor бўлган шахслар суд орқали энг кам иш ҳақининг 20 дан 150 баробаригача микдорда жарима солиш йўли билан маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида айни шундай ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, йўловчи ташиш транспорти ҳуқуқбузарлик воситаси сифатида мусодара килинади ва айбордor шахс қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Автотранспорт воситалари ҳайдовчилирини имтихондан ўтказиш ва уларга ҳайдовчилик гувоҳномасини топшириш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (малакасини ошириш) тартиби ва муддатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун киритсин, бунда йўловчилар ташишда иштирок этувчи ҳайдовчилар таркибини ўқитиш ва тайёрлаш коидаларини такомиллаштириш, имтихон ўтказиш ва ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқукини берадиган ҳужжатни олишга ўқитадиган инструкторларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини ошириш назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу карордан келиб чикадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Мажкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 февраль,
ПК-294-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

65 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида

Хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларга мувофиқ ўз касб фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидалар иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 11 сентябрдаги 391-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1998 й., 9-сон, 34-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

+

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
33-сон

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 24 февралдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солувчи АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

I. Умумий қоидалар

1. Ахборотнинг барча шакллари эркин ва кенг тарқатилишини кўзлаб, ушбу соҳадаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари (журналистла-

ри)нинг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузурида аккредитация қилиш асосида рухсат берилади.

2. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган мухбирларнинг хуқуқий мақоми ва касб фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ушбу Асосий қоидалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидалари билан тартибга солинади.

II. Мухбирлик пункти (бюроси, офиси)ни очиш

3. Хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг мухбирлик пунктлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қўйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинган қарори хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирлик пунктини очиш учун асос ҳисобланади:

манфаатдор хорижий ахборот воситаси раҳбариятининг Ўзбекистон Республикасида мухбирлик пункти очиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири номига мурожаатнома хати;

манфаатдор оммавий ахборот воситаси тўғрисида маълумотнома-ахборот;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг Ўзбекистон Республикасида манфаатдор хорижий оммавий ахборот воситасининг мухбирлик пункти очилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хуносаси.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан дастлабки иккитаси Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ёки консуллик муассасалари орқали берилади ёхуд бевосита Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этилади.

4. Тегишли мурожаатнома олинган кундан бошлаб икки ойдан ошмайдиган муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаси мухбирлик пунктини очиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган мухбирлик пунктлари реестрини юритади, уларга маҳсус гувоҳнома берилади.

III. Хорижий мухбирларни аккредитация қилиш

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қўйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинган қарори хорижий давлат оммавий ахборот воситаларининг вакилларини доимий хорижий мухбир сифатида аккредитация қилиш учун асос ҳисобланади:

манфаатдор хорижий ахборот воситаси раҳбариятининг Ўзбекистон Республикасида мухбирлик пункти очиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири номига мурожаатнома хати. Хатга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

манфаатдор оммавий ахборот воситаси тўғрисида маълумотнома-ахборот;

аккредитация қилинадиган хорижий мухбирнинг таржимаи холи маълумотлари ва тегишли намунадаги тўртта фотосурати.

Мурожаат хати Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ёки консуллик муассасалари орқали берилади ёхуд бевосита Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этилади.

6. Доимий хорижий мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор тегиши

ли мурожаатнома олинган кундан бошлаб икки ойдан кўп бўлмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинади. Аккредитация қилинган мухбир Ўзбекистон Республикасига келгач, унга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги доимий хорижий мухбир сифатида аккредитация қилинганлиги тўғрисида 2 йил муддатгacha амал қиладиган гувоҳнома беради.

7. Вактинчалик хорижий мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири номига хорижий давлатнинг тегишли оммавий ахборот воситаси раҳбариятининг ёзма мурожаатномаси тақдим этилгандан кейин икки хафтадан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинади. Ижобий қарор қабул қилингач Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги аккредитация қилинган мухбирга вақтинчалик хорижий мухбир сифатида аккредитация қилинганлиги тўғрисида олти ойгача амал қилиш муддати билан гувоҳнома беради.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги аккредитация қилинган доимий хорижий мухбирларнинг оила аъзоларига хорижий мухбирнинг оила аъзолари карточкасини беради.

9. Манфаатдор хорижий оммавий ахборот воситаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига унинг аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати ўтгунгача икки ойдан кечикмай мухбирни аккредитация қилинганлик муддатини узайтириш хақида илтимос билан мурожаат қилишга хақлиdir, акс ҳолда аккредитация қилиш белгиланган тартибда тўхтатилиши мумкин.

10. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома йўқотиб қўйилган тақдирда хорижий мухбир бу хақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар қилиши шарт. Дубликат бериш масаласи икки хафта мобайнida кўриб чиқилади.

11. Аккредитация муддати тугаган, тақрорий аккредитация қилинган ёки аккредитация муддатидан олдин тўхтатилган холларда доимий ёки вактинчалик аккредитация қилинган хорижий мухбирлар аккредитация қилинганлик тўғрисида илгари берилган гувоҳномани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига топширадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мухбирни аккредитация қилишни Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ёки ушбу Асосий қоидалар асосида рад этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бундай қарорнинг сабаблари тўғрисида хорижий мухбирни ёзма равища хабардор қиласди.

13. Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган ҳалқаро ёки миллий даражадаги турли тадбирлар (конгресслар, симпозиумлар, съездлар, анжуманлар, семинарлар ва шу кабилар)ни ёритиш учун таклиф қилинган хорижий давлат оммавий ахборот воситаси вакили Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига вактинчалик хорижий мухбир сифатида аккредитация қилинади.

IV. Хорижий мухбирларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва бу ерда бўлиши

14. Хорижий мухбирларга келиш визалари Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг уларни доимий ёки вактинчалик хорижий мухбирлар сифатида аккредитация қилишга розилигига кўра берилади.

Аkkредитация қилинган доимий хорижий мухбирларга манфаатдор хорижий оммавий ахборот воситасининг мурожаатномаси асосида, консуллик ва бошқа йиғимларни ундириласдан, аккредитация муддатига кўп марталик визалар расмийлаштирилади. Кўп марталик визалар Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги кўрсатмасига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси худудида эса — Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги томонидан берилади.

15. Доимий ёки вақтинча аккредитация қилинган хорижий мухбир вақтинча алмаштирилган тақдирда (таътил, касаллик, бошқа мамлакатларга хизмат сафарлари ва ҳоказолар) виза бериш тўғрисидаги масала тегишли мурожаатнома Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига тушган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда ҳал этилади.

V. Хорижий мухбирларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Чет эл фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси худудида бўладиган аккредитация қилинган хорижий мухбирлар ва уларнинг оила аъзолари мухбирнинг касб фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Хорижий мухбирларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунингдек манфаатдор давлатлар билан ўзаро аҳдлашув асосида икки томонлама тартибда бошқарилиши мумкин.

+ 17. Аkkредитация қилинган доимий хорижий мухбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатик сервис хизматларидан хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонлари маъмурий-техник ходимлари билан тенг шартларда фойдаланадилар.

Дипломатик сервис хизмати аккредитация қилинган доимий хорижий мухбирларнинг илтимоси бўйича улар фаолиятининг зарур шарт-шароитларини таъминлаш билан боғлиқ амалий масалаларга оид ахборотларни тақдим этади.

18. Аkkредитация қилинган хорижий мухбирлар Ўзбекистон Республикаси худудига шахсий фойдаланиш, шунингдек касб фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган буюмларни, аккредитация қилиш муддати тамом бўлгандан кейин уларни Ўзбекистон Республикасидан қайтариб олиб чиқиб кетиш мажбурияти билан, божхона тўловлари тўламасдан олиб киришлари мумкин, божхонада расмийлаштириш ва божхона омборида сақлаш йиғимлари бундан мустасно. Аkkредитация қилинган хорижий мухбирлар томонидан олиб кириладиган автотранспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинча олиб келиш шартлари тўғрисида» 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

19. Аkkредитация қилинган хорижий мухбир хорижий давлатнинг ўзи вакили бўлган оммавий ахборот воситасига оғзаки, ёзма ёки аудиовизуал хусусиятга эга бўлган ахборотни хорижий мамлакатлар билан алоқа қилишнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд каналлари орқали бериш ҳуқуқига эгадир.

20. Хорижий мухбирнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати конун билан кўриқланади. Давлат хорижий мухбирга ахборотни эркин олиш ва тарқатишни кафолатлайди, уни касб фаолиятини амалга ошириш пайтида ҳимоя қилишни таъминлайди. Аkkредитация қилинган хорижий мухбирнинг касб фаолиятига аралашиш,

ундан ўз касб мажбуриятларини бажариш чоғида олинган бирор-бир маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мухбирлар томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Махкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори, мазкур Асосий қоидалар ёки оммавий ахборот воситалари соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда огоҳлантириши ёки унинг аккредитациясини муддатидан олдин тўхтатиши, ёки кириш виzasини бекор қилиши, шунингдек республикадан чиқариб юборишгача таъсир кўрсатиш маъмурий чораларини кўриши мумкин.

Аkkредитация қилинган хорижий мухбирларга мавжуд конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга, Ўзбекистон Республикасининг худудий яхлитлигини бузишга даъват этиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизлик, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиш тақиқланади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиб ва қонунда назарда тутилган жавобгарликка олиб келадиган бошқа хатти-харакатларни содир этиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган хорижий мухбирлар ва уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

— +
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация олмаган хорижий мухбирларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги касб фаолияти тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

22. Хорижий мухбирлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирлик пунктларининг техник ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг билдиришномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат солик органларида белгиланган тартибда ҳисобга турадилар, ўз даромадлари тўғрисида декларация тўлдирадилар ва солик органларига журналистлик фаолиятидан олинидиган даромадлардан соликлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ банк ҳужжатлари ва маълумотларни топширадилар. Солик ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун кўрсатиб ўтилган шахслар ва уларнинг иш берувчилари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига аккредитация олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сифатидаги касб фаолияти тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

VI. Хорижий мухбирларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида юриши

23. Аkkредитация қилинган хорижий мухбирлар Ўзбекистон Республикаси худудида эркин юриш хуқуқига эга, бориш учун ёпиқ бўлган ёки маҳсус рухсатно-

мани талаб этадиган жойлар бундан мустасно. Хорижий мухбир Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришда аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани ўзи билан олиб юриши шарт.

VII. Техник ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар

24. Аккредитация қилинган мухбирлик пунктлари ва хорижий мухбирлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Дипломатик сервис хизмати орқали техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сифатида ишга ёллаши мумкин.

25. Аккредитация қилинган хорижий мухбирлик пункти ва хорижий мухбир техник ходимларининг ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг журналистлик фаолият билан шуғулланиши тақиқланади.

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА (ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ)
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИФИНИНГ
БУЙРУФИ

66 Иссиклиқдан фойдаланувчи ускуналар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидала- рини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
28 февралда 1549-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 10 мартаң кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича (Ўздавэнергоназорат) давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

- 1. Илова* қилинаётган «Иссиклиқдан фойдаланувчи ускуналар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари» тасдиқлансин.
- + 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
- 3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишини ўз зиммамда қолдира-ман.

**Электр энергетикада назорат бўйича (Ўздавэнергоназорат) давлат
инспекцияси бошлиғи Б. ФУЛОМОВ**

Тошкент,
2006 йил 23 январь,
15-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**67 Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган
соликни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тар-
тиби тўғрисидаги ўёриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
2 марта 1110-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 12 мартадан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сон (Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 168-модда) ва 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорларига (Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғарип бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги 595-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 516-модда) мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 10, 2002-16-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномага (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1110 — Меърий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 17-18-сон; 2003 й., 5-6-сон; Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 125-модда; 2005 й., 10-11-сон, 87-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
18-сон

Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
2006-7-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 25 февралдан 3 мартача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Иссиқлиқдан фойдаланувчи ускуналар ва иссиқлиқ тармоқларини техник эксплуатация килиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Ўздавэнергоназорат»
Давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 23 январдаги 15-сон буйруғи.

**2006 йил 28 февралда 1549-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил
10 мартадан кучга киради).**

2. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 18, 2006-7-сон қарори.

**2006 йил 2 марта 1110-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил
12 мартадан кучга киради).**

—

+